

Муаллифнинг биринчи китоби


Озода ОЛИМОВА

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

(Шеърлар)

“Andijon nashriyot-matbaa” МЧЖ

2013 йил



Узбекистон Республикаси Министрии маданиятининг
Муассасалари тартиби

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(Ўзб)7 - *Ўзб. оғод*

O-54

O-31. Олимова Озода. «Умид чечаклари» (Шеърлар).
“Andijon nashriyot-matbaa” МЧЖ, 2013 йил, 32-бет.

Ёши ижодкор Озода Олимованинг шеърларида замонавийлик уфуриб туради. Умидли ёши шоиранинг юрак призмасидан ўтиб қоғозга тушган содда ва равон шеърлари ўкувчини бефарқ қолдирмаса керак, деб ўйлаймиз.

Аэиз ўкувчи, шеърларни ўқиб, ўзингиз баҳо беринг ва ўзингиз хулоса чиқаринг.

ISBN 978-9943-4138-0-1

№ 42264
Оз

© О.Олимова, 2013.

© “Andijon nashriyot-matbaa”
МЧЖ, 2013

201	A	1033
Alisher Navoiy		
nomidagi		
O'zbekiston MK		

ШЕЪРИЯТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Шеъриятнинг сеҳрли олами шундай мўъжизакор оламки, у адабиёт ва бадиий ижодга майли бор инсонларни илкига хома тутиб ўз оламига етаклайди ва ижод қилишга ундаиди.

Шаҳрихонлик ёш ижодкор Озода Олимова ҳам шеърият майдонига дадил кириб келаётган ёшлардан биридир. Озода эндиғина йигирма ёшни қаршилади. Лекин у анчагина қоғоз коралаб, турли мавзуларда шеърлар битди. Уларга меҳр билан жило берди. Унинг мавзулари ўзига хос бўлиб, дўстлик, Ватан, ота-она, севги, салокат, висол, хижрон ва бошқалардир.

Қўлингиздаги «Умид чечаклари» тўпламидан ӯрин олган «Ватан» шеъри фикримизни тасдиқлайди.

Куёшдек балқ, она масканим,
Борлиғим, ҳаётим - иймоним.
Болангман, покиза виждоним,
Яшнайвер доимо, Ватаним!

У табиатни, борликни, одамларни зимдан кузатади. Безовта хаёллар оғушига фарқ бўлади. У ҳаётдан, одамлардан янги мавзулар қидириб, уни шеърий мисраларида акс этади. Ўз хулосаларини чиқаради. Озоданинг «Ўзбек қизи» шеърида ўзига хос ифодалар бўртиб турибди:

СЕЗОН СЕЗОН

Назокатли барнодир азал,
Ширинахан, сўзлари асал,
Таърифига ожиздир ғазал,
Сутдек оппок уларниң юзи,
Чиройлидир ўзбегим қизи.

Барчасининг иқболи бордир,
Не йигитлар изига зордир,
Мехрибону вафоли ёрдир,
Онасининг зурёди изи,
Чиройлидир ўзбегим қизи.

Озоданинг шеърларини ўқиган ўқувчи сира зерикмайди,
балки, йўлда узоқ юриб чанқаган йўловчидай ошиқиб ўқийди.

Адабиёт деб аталмиш маҳобатли ва муҳташам қасрнинг
бўсағасида турган умидли бу ёш ижодкорнинг келажаги
порлок. Ўзининг камалакдай сержило атласи, йигитларнинг
эзгулик учун ишлатадиган ўткир қуроли бўлган пичоги билан
дунёга танилган Шахриҳондан Оразий, Ҳайратий, Тўхтасин
Жалолов, Йўлдош Султонов, Мўминжон Маъмурев ва унинг
қизи Ойдиной Фозиева, Мукимжон Қодиров, Нафиса
Ҳакимова, Машрабжон Раҳмон Али, Тошмуҳаммад Мирзаев,
Акромжон Вахобов, Манзура Эгамбердисева, Зилола
Раҳмонова ва бошқа кўплаб ижодкорлар етишиб чиқсан.
Озода Олимова ана шу таникли ва истеъододли калам
аҳлининг давомчиси сифатида майдонга чиқди.

Мен Озода Олимованинг келажагига ишонган ҳолда
ижоднинг машаққатли йўлида муваффакият тилайман!

Нусрат АБДУСАЛОМ,
шоир.

ВАТАН

Күёшдек балқ, она масканим,
Борлигим, ҳаётим – иймоним,
Болангман, покиза виждоним.
Яшнайвер доимо, Ватаним!

Яшнаган гул боғим, чаманим,
Боғимда гуллаган лола сен.
Юракдан чиққан шеър-нола сен,
Яшнайвер доимо, Ватаним!

Үзингсан толеим, жон-таним,
Тинчликнинг рамзиdir Бош Қомус.
Мадҳиянг бизларга ор-номус,
Яшнайвер доимо, Ватаним!



БАҲОР

Субҳидам онлари хушҳаво,
Мусаффо, рангидир ер, само.
Тафтингдан дилларда хушнаво,
Фасллар ичра сен бетакрор,
Қалбларга улашгин завқ, баҳор.

Күшлар ҳам чуғурлар яйрашиб,
Завқингни оширап сайрашиб,
Дехқонлар кетмөнин қайрашиб,
Бўлади кўнгиллар баҳтиёр,
Ўлкамга хуш келгин сен, баҳор!

Дараҳтлар киярлар кўк кўйлак,
Кувнатар чиқарган барг, куртак,
Фарахбахш бу онлар нақ эртак,
Келақол, кутмокда эл, диёр,
Согиниб кетдик-ку, ох, баҳор!



ОНАЖОН
(Онам Оминахон Юнусовага)

Фарзандларин оқ ювиб, оқ тараган,
Йиғлаганда, тунлари бедор қараган.
Үзин эмас, фарзанд бахтин сүраган,
Мехри уммон, шириңзабон, онажон.

Улғайтириб ҳар бир ўғил ва қизни,
Соғинтиридик бизлар қанчалар Сизни.
Зориқтиримай ўстирдингиз сиз бизни,
Жаннатим – Сиз, роҳатим – Сиз, онажон.

Юзингиздан ёғилади инжу, нур,
Сизни кўрсам, мен доимо шод, масрур.
Фарзанд бўлай сизга лойиқ ва манзур,
Дил баҳорим, бетакрорим, онажон.



ЎЗБЕГИМ ҚИЗИ

Назокатли барнодир азал,
Шириңсұхан сүzlари асал,
Таърифига ожиздир ғазал,
Сутдек оппоқ уларнинг юзи,
Чиройлидир ўзбегим қизи.

Дудоклари, пистадир – хандон,
Кўзига ким боқса лол, ҳайрон,
Ифорлари гўёки райхон,
Латофатли, оқила ўзи,
Чиройлидир ўзбегим қизи.

Барчасининг иқболи бордир,
Не йигитлар изига зордир,
Мехрибону, вафоли ёрдир,
Онасининг зурёди изи,
Чиройлидир ўзбегим қизи.



ЖҰЛДАС ЕСЕКІЛІ ТАРАС БОНОВСКИЙ

АЁЛЛАР

Турлича шевада сүзлашар,
Кийимга қарашиб сўрашар.
Бошдан то оёққа қарашар,
Тўйларга борганда аёллар.

Санашар кўрпа-ю болишни,
Хоҳлайди бой келин олишни.
Бошлайди ёридан нолишни,
Тўйларга борганда аёллар.

Ширин ўй – хаёллар суришар,
Бир четда тўпланиб туришар.
Фийбатли сухбатлар қуришар,
Тўйларга борганда аёллар.

Оғритиб ўзининг бошини,
Чимириб кўзу ҳам қошини.
“Мазали эмас”, деб ошини,
Тўйларга борганда аёллар.



ЖОНОНИМ

ЖОНОНИМ
(Йигитлар тилидан)

Күнглимдаги етиб бўлмас армоним,
Ўзага ёр бўлган ишқи арzonим,
Ўзинг эдинг юрагимга дармоним,
Бахтли бўлгин, армон бўлган жононим.

Энди менга сен бўлдинг оҳ, бегона,
Йўлларингда бўлдим мисли девона,
Бул тақдиринг бизни қилди ҳайрона,
Бахтли бўлгин, вафоси йўқ жононим.

Никоҳ узук тақдинг бу кун кўлингга,
Нурли иқбол тиладинг баҳт йўлингга.
Ҳатто видо айтмадинг бу қулингга,
Бағритошим, ўзга бўлган жононим.



СЕВИЛМАДИМ

Кимга айтай юрагимнинг дардини,
Хатто ёмғир юволмади гардини,
Ул бевафо билмас ошиқ қадрини,
Севдим, бироқ, севилмадим, дўстлар-ей.

Армон қийнар, қалбим қолди қийноқда,
Қийналади жону таним фирокда,
Бағритошим энди жуда йирокда,
Севдим, бироқ, севилмадим, дўстлар-ей.

Сароб бўлди дилда қайғу армоним,
Булутлидир бу кун севги осмоним,
Ўтмиш бўлди баҳтли ўтган ҳар оним,
Севдим, бироқ, севилмадим, дўстлар-ей.



ОТАЖОН

Худо берган бошимдаги паноҳим,
Сўзларингиз ҳаёт йўлим – огоҳим.
Мехрингизга еру осмон гувоҳим,
Қалбим қўри, суюнчимсиз, отажон,
Мушкул кунда юпанчимсиз, отажон.

Ҳаётимни ёруғ қилган қуёшим,
Сирларимни айтсам, бўлган сирдошим.
Дардларимга ёлғиз шерик дилдошим,
Ишонганим, тоғимдирсиз, отажон,
Гулга тўлган боғимдирсиз, отажон.

“Паноҳида асрасин”, деб Худойим,
Ижобатлар бўлсин қилган дуойим,
Чақиргансиз сиз онам, деб гулойим,
Аллоҳ умр берсин узок, отажон,
Фарзандларга меҳри булоқ отажон.



СЕВГАНДИМ ДУНЁДА БИР ЙҮЗИНГИЗНИ,

ҚҰШНИ ЙИГИТГА

Севгандим дунёда бир ўзингизни,
Интиқ кутар эдим ҳар сўзингизни,
Қизғонардим қора қош-кўзингизни,
Ишонардим қўшни йигит, мен сизга,
Бир умрлик армонсиз ҳамсоя қизга.

Сиз йироқ эдингиз, нолон кутардим,
Дардим бирор билмас, ичга ютардим.
Тушларимда сизга гуллар тутардим,
Ишонардим қўшни йигит, мен сизга,
Бир умрлик армонсиз ҳамсоя қизга.

Айро қилди тақдир, туташмас йўллар,
Эҳтимол баҳт топар маҳзун кўнгиллар.
Гулга бурканажак, балки ўнг-сўллар,
Ишонардим қўшни йигит, мен сизга,
Бир умрлик армонсиз ҳамсоя қизга.



КИЗЛАР

Телефонда сўзлашар қизлар,
Пешингача ухлашар қизлар,
Кўришади ажойиб тушлар,
Уйғатолмас ҳаттоки кушлар,
“Одно”да бор – изланглар сизлар,
Интернетда бўлади қизлар.

Қилишади чет элга ҳавас,
“Мода” билан яшар ҳар нафас.
Онасига ёрдам ҳам қилмас,
Назарига ҳеч кимни илмас.
“Одно”да бор – изланглар сизлар,
Интернетда бўлади қизлар.

Кулогида “наушник” доим,
Гапирсангиз, гап ўрнига им.
Койисангиз, аразлар улар,
Афсус, шунча беҳуда пуллар.
“Одно”да бор – изланглар сизлар,
Интернетда бўлади қизлар.



ШАҲРИХОНИМ

ШАҲРИХОНИМ

Оразийдек шоирларга маскан шаҳрим,
Гўзаллигинг кўрган сари очар баҳрим,
Ўзингдирсан кулиб турган толе – баҳтим,
Хунармандлар юрти сенсан, Шаҳрихоним.

Таърифингга сўз топмоққа лолдир тилим,
Тинчсан, шукр Аллоҳимга, шоддир дилим,
Ҳар бир кунинг байрам бўлсин юртим, элим,
Аждодларим эъзозлаган Шаҳрихоним.

Зафарларга тўлсин ҳар бир кунинг, ойинг,
Мавжлар уриб, тўлиб оқсин машхур сойинг,
Хофизларинг мадҳинг куйлар, чин фидойинг,
Элда достон, боғу бўстон Шаҳрихоним.



СҮРЛІКТЕРДЕ СҮРЛІКТЕРДЕ СҮРЛІКТЕРДЕ СҮРЛІКТЕРДЕ СҮРЛІКТЕРДЕ

ТИЛАК

(Дүгөнам Нилуфарға)

Шодлик бўлсин абадий ҳамроҳ,
Бахтингиздан баҳорлар кулсин.
Фам, айрилиқ келмасин ногоҳ,
Тўйларингиз муборак бўлсин!

Юзларингиз ёнсин суурурдан,
Толеингиз яшнасин, кулсин.
Ота-она қонсин ғуурурдан,
Тўйларингиз муборак бўлсин!

Муносибсиз – мисли Қайс, Лайли,
Куёв уйи нурларга тўлсин.
Томир отинг шу ишқ туфайли,
Тўйларингиз муборак бўлсин!



УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Мураккабдир, бошланади ҳаёт шундан,
Ўрганамиз яшаш сирин бизлар ундан,
Шукур килиб ҳар бир ўтган туну кундан.
Алдамчидир баъзан хаёл эртаклари,
Яхшиям бор сўлмас умид чечаклари.

Гоҳида ғам, гоҳ кувонч-ла сийлайди у,
Бардошимиз, сабримизни синайди у,
Жонимизни гоҳ азобда қийнайди у.
Алдамчидир ширин орзу-эртаклари,
Яхшиям бор сўлмас умид чечаклари.

Елкамизга ортилса-да турмуш ғами,
Тугамаса асло дунё ташвиш, ками,
Қаритганда афсус, бизни дард, алами.
Айтсам адo бўлмас унинг эртаклари,
Яхшиям бор сўлмас умид чечаклари.



2014/15	Alisher Navoiy
A	nomidagi
1033	O'zokision MK

ЁРИМ

Соғинаман, кўрмасам агар,
Олисдаги оромижоним.
Қайлардасиз, соламан назар,
Юрагимнинг эрки, ҳоқоним.

Келишингиз кутарман бедор,
Тунларимни тонгларга улаб.
Кутяпманми ё сизни бекор,
Айрилиқда қалбим ҳувиллаб.

Висолингиз қўмсайман ҳамон,
Давосизми, оҳ менинг дардим.
Дийдорингиз овунчdir ҳар он,
Тугаяпти бардошу сабрим.



УСТОЗ
(Ёкубжон Солибоевга)

Ниятингиз ҳалолдир, окдир,
Машакқатлар нурли сүкмокдир.
Мехрингиздан, аёз ҳам ёздир,
Таърифингиз минг айтсам оздир.
Сўзларингиз мен учун мумтоз,
Мехри чексиз, қалби пок устоз.

Мехр кўзғаб тил, адабиётга,
Ўргатдингиз шеъру баётга.
Йўлладингиз катта ҳаётга,
Таъзим қиласай сиздайин зотга.
Сўзларингиз мен учун мумтоз,
Мехри чексиз, қалби пок устоз.

Менинг учун инсонсиз буюк,
Юрагимда қадрингиз суюк.
Эъзозлайман, қиласман таъзим,
Сабрингиздир дарё-ю азим.
Сўзларингиз мен учун мумтоз,
Мехри чексиз, қалби пок устоз.



ҚАЗАҚСТАНДА СОМАЛЫКТАРДА БАЙЫРДАРДА

КУЁВИМ ЯХШИ

(Кайнаң тилемдән)
КУЕВИМ ЯХШИ

Қызынамниппі сөвіләп ёри,
Набирамнинг ифтихори,
Суяңчиғи, йүғу бори,
Куёвим борига шукур.

Тинмай ишлар эртаю кеч,
Оиласин унутмас хеч,
Бамисоли ўткир қилич,
Куёвим борига шукур.

Мехри чексиз боласига,
Умид гули, лоласига,
Кулок осар ноласига,
Куёвим борига шукур.

Дейишади: "Куёв – ёвдир",
Кимлар учун у бир овдир,
Бир озгина шўх, оловдир,
Куёвим борига шукур.



ХОЗИРГИ ҚИЗЛАР

ХОЗИРГИ ҚИЗЛАР

(Баъзи қизларга)

Шайдолари йўлларида зор,
Хурлардан-да у гўзал дилдор,
Қош-кўзига ранг чоплар такрор,
Кўчаларда кийган шими тор,
“Замонавий” ҳозирги қизлар.

Ўзларига оролар берар,
Қошларини ингичка терар,
Майда қадам ташлашиб юрар,
Узун сочдан бормиди зарап,
“Замонавий” ҳозирги қизлар.

Чидаб бўлмас, шунчалар шаддод,
“Мода” деса чиқарар қанот,
Қилмишидан деворасан дод,
Буларга ҳам бордир бир нажот,
“Замонавий” ҳозирги қизлар.



АЙРИЛИҚ

Тирнаяпти юракни армон,
Азоблайди айрилик доғи.
Висолингиз кутяпман ҳамон,
Бу ҳижроннинг борми адоги?

Тонгларгача қуардик сұхбат,
Тунларимиз ўтарди бедор.
Шодлик ўрнин олдими ғурбат,
Айрилиқда ёлғизман, bemor.

Чин туйгулар бўлди-ку ҳазон,
Соғинчингиз ўртайди такрор.
Севгимиз ҳам ўртада сарсөн,
Махшаргача алвидо, эй ёр!



ЖЕҢІСТЕРДЕ САЛЫКТАРДА БАСТАУАЛАРДА

ҮХШАГИМ КЕЛДИ

Машхұрларға қилмасман ҳавас,
Қалдан келар шоирона сас,
Бир озгина эъзозлашса бас,
Зулфияга үхшагим келди.

Юрагимда армонлар бисёр,
Эл баҳтини куйласам такрор,
Эл дардига куйинсам минг бор,
Зулфияга үхшагим келди.

Шеъриятта ошуфта қалбим,
Ватан ишқи қалбимда лим-лим,
Мухлислар ҳам күпаяр балким,
Зулфияга үхшагим келди.

Мен биламан, бу қийин зақмат,
Үзи келмас қидириб омад,
Тинглаганлар, сизларга раҳмат,
Зулфияга үхшагим келди.



ОЗДОБЛЕНЫЕ СЛОВА И МАСЛАХАТГҮЙ

ТЕЛЕВИЗОР ЯХШИ (Ҳазил)

Уйимизда бўлади доим,
Гапиради аста, мулойим,
Маслаҳатгўй отамдир, ойим,
Эрдан кўра телевизор яхши.

Таомингни тайёрла, демас,
Чой ҳам ичмас, овқат ҳам емас,
Ошқозони каттакон эмас,
Эрдан кўра телевизор яхши.

Жанжаллашмас беҳуда асло,
Нолимайди, сўкмас ҳеч асно,
Истагингиз қиласи пайдо,
Эрдан кўра телевизор яхши.



ОЗОДА

Само узра порлаб турган юлдузим,
Зулмат тунни ёруғ қилган кундузим,
Оху кўзли, ширин сўзли гул юзим –
Гўзал қизлар ичра ўзи шаддод-а,
Мен ёқтирган қизнинг исми Озода.

Учратгандим уни илк бор кўчада,
Ошиқ бўлиб боғландим бир кечада,
Сўролмадим ёшингиз деб нечада,
Маликамсиз, бўлай сизга шаҳзода,
Ишқим тушди сизга, гўзал Озода.

Рашким келар ҳатто эсган сабога,
Сизни севиб, қолдимми ё балога?
Кулок туting юракдаги садога –
Софинчингиз ўтди жондан войдод-а,
Андижонда яшар гўзал Озода.



ДУРДОНА

Хуснингдан уялар кўрса ой,
Қаердан олди деб кўрк-чирой.
Тишларинг инжудай, қошинг ёй,
Ошиқлар йўлингда парвона,
Гўзаллар гўзали Дурдона.

Ҳаётим мазмуни сен, жоним,
Тинглагин ўтли бу фиғоним,
Ўғирлаб олдинг жон-жаҳоним.
Юрагим танҳоси бир дона,
Гўзаллар гўзали Дурдона.

Ўзингсан қизларнинг аълоси,
Қош-кўзинг жонимнинг балоси,
Борми бу дардимнинг давоси?
Севгилим бетакрор, ягона,
Гўзаллар гўзали Дурдона.



АРМОН

Армонлардан эгилди бошим,
Түхтамайди күздаги ёшим.
Сирдошимдир соғинч ва азоб,
Қайлардасиз, келмайди жавоб.
Нега ташлаб кетдингиз, моҳим,
Ким тинглайди нола-ю оҳим?

Тақдир бизни бевақт айирди,
Қанотимни буткул қайирди.
Сиз эдингиз жону жаҳоним,
Сизсиз қандай яшайин, жоним?
Нега ташлаб кетдингиз, моҳим,
Ким тинглайди нола-ю оҳим?

Оҳ, қабрингиз нурларга тўлсин,
Маконингиз жаннатда бўлсин.
Бўлмасангиз ҳозир ёнимда,
Хотирангиз доим ёдимда.
Нега ташлаб кетдингиз, моҳим,
Ким тинглайди нола-ю оҳим?



Жазылған жаңы мәдениеттік магазиндерде

ПУЛ ЎЛМАСИН

(Алимардон Ҳамидовнинг «Пул ўлсина, пул ўлсан» шеърига жавоб)

Замонавий баланд уйлар соламиз,
Қимматбаҳо машиналар оламиз,
Тўйлар килиб бизлар яйраб қоламиз,
Пул ўлмасин, пул ўлмасин, дўстларим.

Пул бор бўлса, рўзғордан йўқ ғамимиз,
Осонгина битар барча камимиз,
Кўнгил тўлар, хира бўлмас таъбимиз,
Пул ўлмасин, пул ўлмасин, дўстларим.

Пул бўлмаса боролмаймиз ишга ҳам,
Пул керак-да кумуш, тилло тишга ҳам,
Ҳали кўмир олиш керак қишига ҳам,
Пул ўлмасин, пул ўлмасин, дўстларим.

Ишлаб топсак беминнатдир шу маош,
Чойхонада дўстлар билан еймиз ош,
Ҳамён тўлса, қотмас асло ҳатто бош,
Пул ўлмасин, пул ўлмасин, дўстларим.

Қиз чиқарсак керак-да пул мазарга,
Пиширгани қатлама, ёғ ҳазарга,
«Доллар» кўриб сўмни илмай назарга,
Пул ўлмасин, пул ўлмасин, дўстларим.

ЖЕҢІСІНДЕ САЛЫКТАРДА НАСЫПАЛАРДА
САЛЫКТАРДА НАСЫПАЛАРДА

Кимга ёқмас молу давлат, бойликлар,
Топилади меңнатдан шу ойликлар,
Бўлмас сира ҳолимизга войликлар,
Пул ўлмасин, пул ўлмасин, дўстларим.

Шоир ака, пулни ўлсин, дебсиз-а,
Келин олсак келармикин сепсиз-а,
Шундай ўйлаб дунёга сиз кебсиз-а,
Пул ўлмасин, пул ўлмасин, дўстларим.

Сизнинг ёзган шеърингиздан сўзим оз,
Барча нарса озлигига бўлар соз,
Хафа бўлманг, ҳазиллашдим мен бироз,
Пул ўлмасин, пул ўлмасин, дўстларим.



МАҚТАНЧОҚ

Мақтанчоқлик ёмон одат аслида,
Мақтаниш бор бундайларнинг наслида.
Ким эканин ошкор этиб мақтанаар,
Мақтанишар умрининг тўрт фаслида.

Ўзларига беришади роса зеб,
Эшиитамиз сўзларини биз «хўп» деб.
Уялмас ҳеч кўз-кўз этиб ўзини,
Хузурланар кунда текин ошни еб.

Ўзидақа инсонларга бўлар дўст,
Тўйларида ҳеч нарсадан йўқ кам-кўст.
Лавозими ошса борми уларнинг,
Сўзларидан ҳатто илон ташлар пўст.

Камтар бўлса муродига етади,
Манмансираш орзусин тарк этади.
Ошар элда унинг обрў ҳурмати,
Ўзгармаса беном шундай кетади.

МУНДАРИЖА

Нусрат Абдусалом. Шеъриятнинг сехрли олами.....	3
Ватан.....	5
Бахор.....	6
Онажон.....	7
Ўзбегим қизи.....	8
Аёллар.....	9
Жононим.....	10
Севилмадим.....	11
Отажон.....	12
Қўшни йигитга.....	13
Қизлар.....	14
Шаҳрихоним.....	15
Тилак	16
Умид чечаклари.....	17
Ёрим.....	18
Устоз	19
Куёвим яхши	20
Хозирги қизлар.....	21
Айрилик	22
Ўхшагим келди	23
Телевизор яхши	24
Озода	25
Дурдона	26
Армон	27
Пул ўлмасин	28
Мактанджок	30

Озода ОЛИМОВА

Адабий – бадний нашр

Озода ОЛИМОВА
“УМИД ЧЕЧАКЛАРИ” (Шеърлар)

Мухаррир	Нусрат Абдусалом.
Тех. мухаррир	Толибжон Кўзибосев.
Мусаввир	Сайёра Жўраева.
Мусаххих	Нилуфар Юлдашева.
Саҳифаловчи	Зухриддин Умурзоков.

Ноширлик лицензияси AI №175. 11.06.2010 йил.

Босмахонага 2013 йил 2 июлда берилди. Босишга 2013 йил 24 декабрда рухсат этилди. Бичими 84x1081/32. Ҳажми 1,0 босма табоқ. Нашриёт табоғи 0,8. Times New Roman гарнитураси, оғсет көғози, оғсет усулида чоп этилди. Буюртма №2279. Адади 200 нусха.

“Andijon nashriyot-matbaa” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71-үй.